часть первую статьи 300 ГПК Республики Узбекистан абзац следующего содержания:

«документы, подтверждающие согласие или положительное отношение к усыновлению всех совершеннолетних членов семьи, а также несовершеннолетних детей (если такие имеются у усыновителя или супруга усыновителя, не участвующего в усыновлении), достигших четырнадцати лет, постоянно проживающих с усыновителем».

6. Считаем, что в Узбекистане и Казахстане должны быть созданы в органах опеки и попечительства курсы прохождения усыновителей психологического обследования и специальной программы подготовки к приему ребенка на воспитание в семью. Также предлагается внести п.5² ч.1 ст.312 ГПК РК и в 10 абзац в ч.1 ст.300 ГПК Республики Узбекистан дополнения в следующей редакции:

«документ о прохождении ими психологического обследования и специальной программы, подготовки к приему ребенка на воспитание в семью».

7. Считаем целесообразным часть четвертую статьи 300 ГПК Республики Узбекистан после слов «с ребенком.» дополнить словами **«документ о прохождении ими психологического обследования и специальной программы подготовки к приему ребенка на воспитание в семью».**

8. В Главе 29 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан не урегулирован вопрос принятия заявления к производству и возбуждения дела, в связи с чем предлагается дополнить статьей 300¹ в следующей редакции:

«Статья 300¹. Принятие заявления к производству и возбуждение дела.

Судья в течение пяти дней со дня поступления в суд заявления об усыновлении обязан рассмотреть вопрос о его принятии к производству суда. О принятии заявления к производству суда судья выносит определение, на основании которого возбуждается гражданское дело в суде первой инстанции».

9. Исходя из пункта 3 Постановления Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по дальнейшему усилению гарантий прав ребенка» от 22 апреля 2019 года № ПП-4296, было бы целесообразным внести дополнение в части первой статьи 302 ГПК Республики Узбекистан и после слова «попечительства» дополнить словами **«ребенка, достигшего возраста семи лет»**, потому что ребенок вправе выражать свое мнение при решении в семье любого вопроса, затрагивающего его интересы, а также в ходе любого судебного или административного разбирательства. Аналогичное правило следует закрепить и в статье 155 СК Республики Узбекистан.

10. На наш взгляд, необходимо дополнить часть первую статьи 300 ГПК Республики Узбекистан (документы, прилагаемые к заявлению об усыновлении) абзацем девятым следующего содержания:

«документы, подтверждающие согласие или положительное

отношение к усыновлению всех совершеннолетних членов семьи, а также несовершеннолетних детей (если таковые имеются у усыновителя или супруга усыновителя, не участвующего в усыновлении), достигших четырнадцати лет, постоянно проживающих с усыновителем».

11. Считается необходимым внести изменения в часть вторую статьи 157 Семейного кодекса Республики Узбекистан и изложить в следующей редакции:

«согласие на усыновление ребенка не требуется, если супруги прекратили семейные отношения, не проживают совместно более шести месяцев и место жительства другого супруга неизвестно».

12. Признавая, что усыновление производится в интересах ребенка, целесообразно рассмотреть дело в минимально короткий срок. В связи с чем, часть вторая статьи 207 ГПК Республики Узбекистан следует изложить в следующей редакции:

«Дела об усыновлении, о взыскании алиментов, о возмещении вреда, причиненного увечьем или иным повреждением здоровья, а также смертью кормильца, и по требованиям, вытекающим из трудовых правоотношений, должны рассматриваться судом первой инстанции не позднее двадцати дней со дня окончания подготовки дел к судебному разбирательству».

13. Предлагаем, исходя из законодательной практики Республики Казахстан, внести дополнения в статью 170 Семейного кодекса Республики Узбекистан в следующей редакции:

«Правом требовать отмены усыновления ребенка в судебном порядке обладают его родители, усыновители ребенка, супруг усыновителя, прокурор, органы опеки и попечительства, межведомственные комиссии по делам несовершеннолетних, а также усыновленный ребенок, достигший возраста четырнадцати лет».

14. Предлагается внести в Семейный кодекс Республики Узбекистан статью 169¹ о недопустимости отмены усыновления по достижении усыновленным ребенком совершеннолетия. Также в целях интересов ребенка, и учитывая законодательство Республики Казахстан, было бы целесообразным расширить основания отмены усыновления и дополнить такими основаниями, как физическое или психическое насилие над усыновленным ребенком; покушение на половую неприкосновенность усыновленного ребенка; нарушение права усыновленного ребенка, установленные законодательством и международными договорами.

15. В целях защиты прав и законных интересов усыновленных детей предлагается внести дополнение в статью 35 ГПК Республики Узбекистан о том, что заявления об усыновлении ребенка предъявляются в суд по месту жительства (нахождения) усыновляемого ребенка, заявление об отмене или признании недействительным усыновлении ребенка предъявляется в суд, принявшим решение об усыновлении и считается исключительной подсудностью.

16. Предлагается в Узбекистане и Казахстане принять отдельный Закон **«Об усыновлении (удочерении)»**. Также в целях защиты прав и интересов

детей, предлагается принять постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан **«Об утверждении перечня заболеваний, при наличии которых лицо не может усыновить (удочерить) ребенка, принять его под опеку (попечительство), взять приемную или патронатную семью».**

III. Предложения по судебной практике

1. В целях разрешения спора при рассмотрении дел об усыновлении (удочерении) ребенка следует внести дополнения в постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 11 декабря 2013 года № 21 «О практике применения судами законодательства по делам об усыновлении» следующего содержания:

«6¹. В случае, если спор о праве, подведомственный судам, будет установлен при рассмотрении дела об усыновлении (удочерении) в порядке особого производства, суд выносит определение об оставлении заявления без рассмотрения, в котором разъясняет заявителю и другим заинтересованным лицам их право разрешить спор в порядке искового производства».

2. Следует дополнить пунктом 10¹ постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 11 декабря 2013 года № 21 «О практике применения судами законодательства по делам об усыновлении» следующего содержания:

«10¹. Разъяснить, что наличие у заявителя представителя, не освобождает лицо, желающее усыновить ребенка, от обязанности явиться в суд. При этом следует обратить внимание, что закон предусматривает обязательное личное участие в рассмотрении дела самого заявителя, представителя органа опеки и попечительства, а также прокурора, и невыполнение судом этих требований закона может явиться основанием к отмене решения, если это нарушение привело, либо могло привести к неправильному разрешению вопроса об усыновлении».

3. Учитывая, что легализация документов не требуется в отношениях между государствами-участниками Конвенции, отменяющей требование легализации иностранных официальных документов (г. Гаага, 5 октября 1961 года) предлагается внести соответствующие разъяснения в постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О практике применения судами законодательства по делам об усыновлении» от 11 декабря 2013 года № 21 следующего содержания:

«16¹. Вместе с тем следует иметь в виду, что легализация документов не требуется в отношениях между государствами-участниками Конвенции, отменяющей требование легализации иностранных официальных документов (г. Гаага, 5 октября 1961 года), вступившей в силу для Республики Казахстан 30 января 2001 года (далее - Конвенция).

В соответствии с требованиями статей 3 и 5 Конвенции вместо дипломатической или консульской легализации официальных документов в государствах-участниках Конвенции в подтверждение подлинности подписей должностных лиц, печатей или штампов на

документе компетентным органом государства, в котором этот документ был совершен, проставляется апостиль. Суду необходимо обращать внимание на соблюдение порядка проставления апостиля, предусмотренного статьей 4 Конвенции, а именно: апостиль проставляется на самом документе или на отдельном листе, скрепляемом с документом, он должен соответствовать образцу, приложенному к указанной Конвенции.

Если апостилированный документ, выданный иностранным агентством, имеет ограниченный срок действия, который истек к моменту его предъявления суду, то необходимо решить вопрос о признании такого документа недопустимым доказательством».

4. В целях правильного разъяснения этапов и правовых терминов предлагается внести соответствующие разъяснения в постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 11 декабря 2013 года № 21 «О практике применения судами законодательства по делам об усыновлении» следующего содержания:

«11¹. Судам следует иметь ввиду, что под досудебным этапом по делам об усыновлении понимаются действия, совершаемые органами опеки и попечительства и кандидатами в усыновители до момента обращения в суд. Следовательно, все перечисленные мероприятия фактически входят в содержание досудебного этапа подготовки по делу об усыновлении, которые закреплены лишь на уровне подзаконных актов, однако отсутствует их четкая регламентация на уровне закона. Именно поэтому в настоящее время оставления принятого к производству суда заявления об усыновлении без рассмотрения на основании п.10 ст. 122 ГПК Республики Узбекистан невозможно».

5. Предлагается подготовить и утвердить Верховным судом Республики Узбекистан Инструкцию по судебному делопроизводству в гражданских судах о принятии заявлений об усыновлении, оформлению и учету дел этой категории, их архивному хранению по аналогии с делами, составляющими государственную тайну.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЛЫКОВА ГУЛЬЖАЗИРА ШУРАХАНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ФУҚАРОЛИК СУДЛОВИДА
БОЛАНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР
БЎЙИЧА СУД ИШ ЮРИТУВИ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи.
Ҳакамлик жараёни ва медиация

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Yu306 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хабибуллаев Давлатжон Юлчибаевич
юридик фанлар номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Эгамбердиев Эминжон
юридик фанлар доктори, профессор

Хазратқулов Одилбек Турсунович
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристлар малакасини ошириш
маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «3» апрелдаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (915 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «18» мартда тарқатилди.

(2020 йил «18» мартдаги 20-рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

Г.Ў.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби в.б., юридик фанлар доктори

Н.Ф.Имомов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бола манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни таъминлаш, оилада тарбия олишни таъминлаш ҳар қандай мамлакат давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур жараёнда судлар муҳим ўрин эгаллаб, улар бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизми ҳисобланади. Айнан суд фарзандликка олинган боланинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасидаги статистик маълумотларга кўра «2014 йилда 2576 та иш кўрилиб, улардан 2533 та иш қаноатлантирилган, 43 та иш рад этилган, 2015 йилда 3663 та иш кўрилиб, улардан 3589 та иш қаноатлантирилган, 74 та иш рад этилган, 2016 йилда 3846 та иш кўрилиб, улардан 3763 та иш қаноатлантирилган, 83 та иш рад этилган, 2017 йилда 4130 та иш кўрилиб, улардан 4049 та иш қаноатлантирилган, 81 та иш рад этилган, 2018 йилда 4195 та иш кўрилиб, улардан 4112 та иш қаноатлантирилган, 833 та иш рад этилган»¹. Бу эса фарзандликка олишга оид ишларни кўришнинг процессуал жиҳатларини ўрганишни талаб этади.

Жаҳонда оналик ва болаликни ҳимоя қилишни таъминлаш, васийлик ва ҳомийлик органлари мақомини мустаҳкамлаш, фарзандликка олиш бўйича ишларни кўриб чиқишда уларнинг иштирокини жадаллаштириш, фарзандликка олишга оид ишларни самарали ҳал этиш юзасидан зарур ҳуқуқий нормаларни белгилаш, фарзандликка олишни бекор қилиш бўйича суд томонидан иш кўрилиши самардорлигини ошириш бўйича тадқиқотларни ўтказишга, норезидентлар томонидан фарзандликка олиш масалаларини тадқиқ этишга, фарзандликка олиш масалаларини оилавий-ҳуқуқий ва фуқаролик-процессуал тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларни ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларни маънавий ва жисмоний ривожланиши учун етарли шароитлар яратиш бўйича чоралар кўрилмоқда. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»² ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналиш сифатида белгиланиб, мазкур соҳани тадқиқ этиш муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (2018), Оила кодекси (1998), «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги (1997), «Бола

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 18 мартдаги 09/555-24-сон хати

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (2008), «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги (2014), «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (2016), «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2017) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги ПҚ–4185-сон «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ–4296-сон «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болани фарзандликка олишнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этган Ўзбекистон Республикаси олимлари орасида Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, А.Х.Саидов, С.А.Исҳоқов, О.Оқюлов, М.Х.Баратов, Ф.М.Отахўжаев, М.С.Восиқов, А.Ю.Азизов, Р.Л.Матқурбанов, Ш.Ш.Шорахметов, Я.Е.Песин, Т.В.Кочергин, Т.А.Умаров, Т.А.Аюбов, Э.Э.Эгамбердиев, М.К.Азимов, Д.М.Қараходжаева, З.Н.Эсанова, Ж.А.Дадабаева, М.М.Мамасиддиқов, Д.Ю.Ҳабибуллаев, М.Н.Насуллаев, С.Т.Тошназаров, Н.М.Қориева, С.А.Марипова, К.К.Олимова, Г.С.Иномжонова, У.Ш.Шарахметова, Х.Б.Абдурахмонова, Ш.Р.Юлдашева, Н.А.Ашуроваларни айтиб ўтиш мумкин.

И.Б.Закиров, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, О.Оқюлов, М.Х.Баратов, Р.Л.Матқурбанов каби ўзбек олимлари фарзандликка олишни умумий асосларини фуқаролик-ҳуқуқий нуқтаи назаридан тадқиқ этган.

Ф.М.Отахўжаев, М.Восиқова, Г.Иномжонова, А.Ю.Азизова, Ш.Р.Юлдашева, Н.А.Ашурова каби цивилист олимларнинг илмий ишларида болани фарзандликка олишнинг умумий жиҳатлари ёритилган.

Ж.А.Дадабоева томонидан фарзандликка олишнинг муаммоли масалалари оила ҳуқуқи нуқтаи назаридан комплекс тарзда ўрганилган ва фарзандликка олиш тушунчаси, тарихий босқичлари, фарзандликка олувчининг талаблари, фарзандликка олишни рўйхатга олиш тартиби, ҳуқуқий оқибатлари, фарзандликка олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлик шакллари, болани фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топишнинг ҳуқуқий оқибатлари тадқиқ қилинган¹.

З.Н.Эсанова томонидан болани тарбиялаш билан боғлиқ даъволарни кўриб чиқишнинг процессуал жиҳатлари ўрганилган ва суд тартибида болани фарзандликка олиш бўйича ишларни кўриб чиқиш юзасидан таклифлар

¹ Дадабоева Ж.А. Проблемы правового порядка усыновления. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ташкент. 2011. – 52 с.

асослантирилган¹.

Қозоғистон Республикаси олимлари орасида Б.А.Джандарбек, Н.М.Жанпейсов, Г.К.Сағиев, Н.У.Сыздыкбеков, З.Х.Баймолдина, Н.Ш.Камбарова ва бошқаларнинг ишларида болани фарзандликка олиш бўйича ишларни кўришнинг процессуал жиҳатлари тадқиқ этилган.

Фуқаролик ва оила ҳуқуқи фанида болани фарзандликка олиш муаммолари Хорижий олимлар орасида Е.Herman, Т.Stein, М.Holt, Р.Johnston, J.Hollinger, L.Healy, J.Gottman, G.Rekers, Н.В.Летова, Е.В.Буянова, Г.И.Вершинина, А.З.Дзугаева, Н.И.Прокошкина, Л.Б.Прудникова, О.Ю.Ситкова, О.С.Батова, Н.И.Батурина, Т.М.Цепкова² каби ғарбий олимлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролик судловида болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд иш юритуви бўйича алоҳида қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фуқаролик ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» (2014–2019) мавзусидаги илмий тадқиқотнинг устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади болани фарзандликка олиш бўйича ишларни кўриб чиқишни ҳар томонлама таҳлил қилиш, фарзандликка олиш бўйича ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек болани фарзандликка олиш процессуал тартибини самарали норматив тартибга солишнинг назарий асослари юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон ва Қозоғистон қонунчилиги ва суд амалиётини таҳлил қилиш асосида фарзандликка олиш бўйича ишларни кўриб чиқишнинг процессуал жиҳатларини тадқиқ этиш;

болаларни фарзандликка олиш муаммосини ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролик процессуал ва оила ҳуқуқи нормаларининг ўзаро муносабалигини аниқлаш;

фарзандликка олиш масалалари бўйича Ўзбекистон ва Қозоғистон, бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқшунос олимлари тадқиқотларини комплекс тарзда ўрганилишини амалга ошириш;

суд томонидан фарзандликка олиш босқичини тартибга солувчи нормаларни амалга ошириш босқичига таъсир кўрсатувчи салбий омиллар мажмуасини таҳлил этиш;

¹ Эсанова З.Н. Процессуальные особенности рассмотрения споров, связанных с воспитанием детей в гражданском суде. Автореф. диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Т.: 2010. – 52 с.

² Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлари рўйхатида келтирилган.

фарзандликка олишда болалар ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали таъминлаш йўналишида Ўзбекистон ва Қозоғистонда фуқаролик процессуал қонунчилик ва уни амалга ошириш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, асоалантириш.

Тадқиқотнинг объектини болани фарзандликка олишнинг суд тартибини амалга оширишда вужудга келадиган муносабатлар, турдош (оилавий ва маъмурий) ижтимоий муносабатлар, суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўришдаги муаммолар, шунингдек бола манфаатларига риоя этган ҳолда фарзандликка олишнинг процессуал тартиби самарадорлигини ошириш мақсадида уларни ҳал этиш йўллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикасида болани фарзандликка олиш юзасидан ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Кўйилган вазифаларни ҳал этишда илмий тадқиқотнинг умумфан ва махсус усулларидан, яъни тарихий, тизимли, аниқ социологик, қиёсий-ҳуқуқий, таҳлилий, контент-анализ, мантиқий-юридик ва бошқа усулларидан фойдаланилган. Мазкур усулларнинг барчаси маълум даражада диссертация тадқиқоти натижаларининг аниқлиги ва асосланганлигини таъминлашга хизмат қилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг фарзандликка олиш ҳақидаги аризаси ўрта бўғин судларида самарали кўриб чиқилиши лозимлиги асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган фарзандликка олувчи шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларни легализация қилиш ва уларга апостиль қўйиш мажбуриятини ҳуқуқий нормада мустаҳкамлаш исботланган;

фарзандликка олишни оила қонунчилигини инобатга олиб, даъво ишини юритиш тартибда бекор қилиш қондасини белгилаш лозимлиги асослантирилган;

фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани судга тақдим этиш мажбурияти халқ таълими муассасаларининг зиммасига юклатилиши лозимлиги асослаб берилган;

фарзандликка олиш бўйича суд жараёнига фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси (отаси ёки онасини)ни ишда иштирок этиш учун жалб қилиниши лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фарзандликка олиш фақат туғилиши қонунда белгиланган тартибда қайд этилган болага нисбатан ва унинг манфаатларида амалга оширилишига йўл қўйилиши исботланган;

фуқаролик процессуал қонунчилигида фарзандликка олиш тушунчасининг таърифини ҳуқуқий норма сифатида мустаҳкамлаш

асослантирилган;

фарзандликка олаётган шахсларнинг оилага болани фарзандликка олиш ва уни тарбия қилиш бўйича махсус дастури бўйича тайёргарликдан ўтиши лозимлиги асослантириб берилган;

фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза суд томонидан беш кун ичида қабул қилиниши ва уни суд муҳокамасига тайинлаши лозимлиги асослантирилган;

ота-онаси ўз ҳуқуқидан маҳрум этилган болани фарзандликка олиш ота-она ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор қонуний кучга кирганидан сўнг камида 6 ой ўтганидан сўнг амалга оширилиши лозимлиги исботланган;

Ўзбекистон Республикасининг “Фарзандликка олиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болани фарзандликка олиш, васий ёки ҳомий бўлишга, болани оилага тарбияга олишга имкон бермайдиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорини ишлаб чиқиш лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси қонунчилиги нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью шаклларида асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, амалдаги фуқаролик процессуал ва оила қонунчилигини такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, суд, васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятида ҳамда фуқаролик процессуал ҳуқуқи, оила ҳуқуқи каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида болани фарзандликка олишнинг процессуал жиҳатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Шунингдек фуқаролик процессуал ҳуқуқи, оила ҳуқуқи фанлари бўйича маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролик судловида болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд иш юритуви масалаларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишни истовчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон

Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига бериши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 298-моддаси иккинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 30 октябрдаги 06-14/22204-сон хати). Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриш самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

чет эл фуқаролари бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган фарзандликка олувчи шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши кераклиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 300-моддаси бешинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 30 октябрдаги 06-14/22204-сон хати). Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларни легализация қилиш ва уларга апостиль қўйиш қондасини мустаҳкамлашга хизмат қилади;

фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш даъво ишларини юритиш тартибида ҳамда оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган асослар бўйича амалга оширилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 304-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 30 октябрдаги 06-14/22204-сон хати). Мазкур таклиф фарзандликка олишни бекор қилиш масаласини ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади;

ишни суд муҳокамасига тайёрлаш вақтида судьянинг боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси (отаси ёки онаси)ни ишда иштирок этиш учун жалб қилиш масаласини ҳал қилиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги 21-сон “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 5-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПЛ-68-19-сон далолатномаси). Мазкур таклиф фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни ҳал этишда фарзандликка олинаётган бола отаси ёки онасининг фикрини инобатга олишга хизмат қилади;

фарзандликка олишда суд боланинг ўзини судда иштирок этиш учун жалб қилишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги 21-сон “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 6-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПЛ-68-19-сон далолатномаси). Мазкур таклиф фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни ҳал этишда фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларини инобатга олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари

4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 3 та илмий мақола (1 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Фуқаролик процессида болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг умумий хусусиятлари»** номли биринчи бобида Ўзбекистон ва Қозоғистонда болани фарзандликка олиш институти тушунчаси ва алоҳида тартибда иш юритишнинг аҳамияти, болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларнинг алоҳида тартибда иш юритиш категорияси сифатида процессуал хусусиятлари, Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари қонунчилигига асосан фарзандликка олишнинг судгача бўлган босқичи ва фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўзғатиш масалалари таҳлил этилган.

Болани фарзандликка олиш – бу ота-она қарамоғисиз қолган бола тарбиясининг энг мос шакли, шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва Қозоғистон Республикасининг «Никоҳ (эр-хотинлик) ва оила тўғрисида»ги Кодекс фарзандликка олишни болаларни жойлаштиришнинг устувор шакли сифатида белгилайди.

Диссертацияда «боланинг манфаати» деганда вояга етмаган болаларнинг жисмоний, ақлий, маънавий ва ахлоқий ривожланишини таъминлаш имкониятларини ҳисобга олиш манфаатларини кўзлаб, шунингдек туғилиши Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган балоғатга етмаган болаларни фарзандликка олиш рухсат этилганлиги тушунилиши керак.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, муаллиф туғилиши Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва фақат жисмоний, ақлий, маънавий ва ахлоқий ривожланишни тўлиқ таъминлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда вояга етмаган болаларга

нисбатан фарзандликка олишга рухсат берилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Муаллиф ота-оналар ва фарзандликка олувчиларнинг ҳуқуқий мақомидаги баъзи фарқларни кўрсатади.

Биринчидан, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар қондошлик (қоннинг биологик бирлиги)ка асосланганлиги. Фарзандликка олиш суд қарорига асосланади.

Иккинчидан, қонун ота-оналарга ҳеч қандай шароит яратмайди. Фақатгина қонуний никоҳдан ўтиш ёки оталикни белгилаш ота-оналар ва болалар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради. Фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинган болага келсак, қонун (баъзи истиснолар билан) васийлик органининг тавсияси, боланинг фарзандликка олишга розилиги, тиббий маълумотнома каби бир нечта шартларни ўз ичига олади.

Учинчидан, ота-оналар ота-оналик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини лозим даражада бажармаган тақдирда уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига назарда тутилган ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш тарзидаги чора қўлланилади. Агар фарзандликка олувчилар ўз вазифаларини бажармаган бўлса, қонун ҳужжатларига мувофиқ фарзандликка олиш бекор қилинади ёки ҳақиқий эмас деб топилади.

Тўртинчидан, ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ва чеклаш, агар улар ўзларининг хатти-ҳаракатини, турмуш тарзини ва (ёки) болани тарбиялашга бўлган муносабатини ўзгартирган бўлса тикланади, лекин фарзандликка олиш бекор қилинганида фарзандликка олувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бекор қилинади ва тикланмайди.

Бешинчидан, ота-она ҳуқуқларидан маҳрум қилиш учун асослар қонун ҳужжатларида аниқ кўрсатилган (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 79-моддаси) ва уларнинг кенг шарҳланишига йўл қўйилмайди. Агар фарзандликка олиш бекор қилинса, суд нафақат қонун ҳужжатларида белгиланган асослар бўйича (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 169-моддаси), балки унинг фикрини инобатга олган ҳолда боланинг манфаатларига асосланган бошқа сабабларга кўра болани фарзандликка олишни бекор қилишга ҳақлидир.

Ариза берувчиларнинг ҳуқуқий ҳолати бўйича фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларнинг юрисдикциясини ўзгартиришга ва болани халқаро миқёсда фарзандликка олиш устуворлигини белгилашга йўл қўйилмайди. Аксинча, фарзандликка олиш бўйича ариза берувчи барча шахслар ўз яшаш жойи ёки фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси судига мурожаат қилишлари шарт.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон ва Қозоғистон қонунчилигига асосан болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг қиёсий жиҳатлари**» номли иккинчи бобида болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга тайёргарлик кўриш тартиби, айниқса, Ўзбекистон ва Қозоғистон қонунчилигига биноан болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш, мазкур тоифадаги ишлар бўйича суд жараёни ва суд қарорлари таҳлил этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ишни суд мажлисига тайёрлаш босқичида содир этиладиган ҳаракатларнинг иккита гуруҳини ажратиб туради:

- 1) тарафлар амалга оширадиган тайёргарлик ишлари;
- 2) судьянинг хатти-ҳаракатлари.

Диссертацияда таъкидланишича, суд мажлисида аниқланиши керак бўлган энг муҳим ҳолат фарзандликка олиш бола манфаатларига мос келадими деган саволга жавобдир ва шунга кўра бу ҳолат исботланиши лозим бўлган ҳолат ҳисобланади. Далиллар ариза берувчи, васийлик органи томонидан тақдим этилади. Қонун амалда суд томонидан болаларнинг оилавий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларда далилларни тўплаш ҳуқуқини сақлаб қолди, унга ваколатлар берилди, зарур бўлганда бошқа рўйхатга олинмаган ҳужжатларни ўз хоҳишига кўра талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 300-моддаси). Муаллифнинг фикрича, ишда иштирок этадиган бошқа шахслар, хусусан, фарзандликка олинган боланинг ота-онаси болани тарбиялаш ва парвариш қилишда қатнаша олмаган сабабларга нисбатан эътирозларини асослашлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 302-моддасига биноан, суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар фарзандликка олувчи(лар), васийлик органлари вакиллари, шунингдек прокурорнинг мажбурий иштирокида кўриб чиқади.

Диссертацияга кўра, боланинг турмуш ўртоқларнинг иккаласи томонидан фарзандликка олиниши афзалроқ, аммо ҳаётда ҳар доим ҳам бундай вазият бўлмайди. Афсуски, сўнгги йилларда боланинг ота-онанинг бири, одатда онаси билан оилада яшаш одат тусига кирмоқда. Шу сабабли, суд болани фарзандликка олишга алоқадор бўлмаган турмуш ўртоғини манфаатдор шахс сифатида жалб қилиши керак. Болани фарзандликка олувчи фарзандликка олиш тўғрисидаги қарор билан ота-она ҳуқуқларига эга бўлади ва фарзандларининг тарбияси ва ривожланиши учун жавобгар ҳисобланади. Улар ўз фарзандликка олинган боланинг соғлиғи, жисмоний, ақлий, маънавий ва ахлоқий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ушбу вазифаларни бажариш агар эр-хотин, шу жумладан фарзандликка олишда иштирок этмаганлар томонидан амалга оширилгандагина мумкин. Бундан ташқари, турмуш ўртоғининг болани фарзандликка олишга аниқ билдирилган розилиги бўлса, кейинчалик у ушбу бола учун фарзандликка олувчи ота-она бўлиши мумкин. Қонунда бундай розилик бериш тартиби белгиланмаган. Бу, эҳтимол, нотариал тасдиқланган ёки қонунда белгиланган бошқа тартибда тасдиқланган ёзма розилиқдир. Бироқ турмуш ўртоғи бундай розиликни шунчаки фарзандликка олувчи ота-онанинг илтимосига биноан, унинг моҳиятини тушунтирмасдан бера олиши мумкинлигини инкор этмаслик керак ва болани фарзандликка олишга розилик тўғрисидаги аризани тасдиқлашга ваколатли шахс розилик учун сабаб ва асосларни топа олмайди. Шунга қарамай, фарзандликка олиш бола манфаатларида бўлиши кераклигига асосланиб, суд жараёнида суд болани фарзандликка олувчи (турмуш ўртоғи) ва унинг оила аъзоларининг розилигининг ихтиёрийлиги ва онгли равишда содир этилганлигини аниқлаши

мумкин. Агар болани фарзандликка олувчи бўлмаган турмуш ўрток фарзандликка олишга салбий муносабатда бўлса, болани фарзандликка олиш тўғрисида қарор қабул қилинмаслиги керак, чунки бу боланинг манфаатларига зид келади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 81-моддаси олтинчи қисмида ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда болани фарзандликка олишга ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин камида олти ой ўтгач йўл қўйилиши кўрсатилган, аммо бунда суд қарори қонуний кучининг жиҳатлари, бундан ташқари ишни мазмунан кўриб чиқиш камида иккита суд инстанцияларида амалга оширилиши тўғрисидаги процессуал аксиомани инобатга олмайди. Шу муносабат билан, муаллиф Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 81-моддасининг олтинчи қисми қуйидагича баён этилиши лозим деб ҳисоблайди:

«Ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда болани фарзандликка олишга ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан кейин камида олти ой ўтгач йўл қўйилади».

Диссертациянинг «Ўзбекистон ва Қозоғистон қонунчилигига кўра болани фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги фуқаролик ишларини юритиш» номли учинчи бобида болани фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахснинг процессуал ҳолати, Ўзбекистон ва Қозоғистонда болани фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги даввони кўриб чиқишнинг процессуал тартиби, болани фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича суд жараёнини яхшилаш масалалари таҳлил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 170-моддасига биноан, фарзандликка олишни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига қуйидаги шахслар эга: 1) боланинг ота-онаси, 2) прокурор, 3) васийлик ва ҳомийлик органлари, 4) вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, 5) ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола.

Қозоғистон Республикаси қонунчилигига кўра болани фарзандликка олишни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси Ўзбекистон Республикасига қараганда кенгроқдир. Болани фарзандликка олишни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига қуйидагилар эга: боланинг ота-онаси, фарзандликка олувчи ота-оналар, фарзандликка олувчининг турмуш ўртоғи, ўн тўрт ёшга тўлган фарзандликка олинган бола, васийлик ва ҳомийлик функцияларини бажарувчи орган, шунингдек бола манфаатларида прокурор (Қозоғистон Республикаси «Никоҳ (эр-хотинлик) ва оила тўғрисида»ги кодексининг 108-моддаси).

Муаллифнинг таъкидлашича, болани фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисида ариза беришга фақат манфаатдор тарафлар мурожаат этишлари мумкин. Бундан ташқари, ушбу шахслар (боланинг ота-оналари, болани фарзандликка олувчилар, ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола)нинг қизиқиши ҳам шахсий хусусиятга эга бўлиши, ҳам давлат ва бошқа органлар (прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича

идоралараро комиссиялар)нинг функцияларидан келиб чиқиши мумкин.

Ўзбекистон ва Қозоғистон қонунчилигига кўра агар бекор қилиш тўғрисида ариза тақдим этилган вақтда фарзандликка олинган бола вояга етган бўлса, фарзандликка олишни бекор қилиш умумий қоида сифатида тақиқланади. Бунинг сабаби, балоғат ёшига этганида ота-она ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўхтайди (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-моддаси, Қозоғистон Республикаси «Никоҳ (эр-хотинлик) ва оила тўғрисида»ги кодексининг 68-моддаси) ва шунинг учун болани фарзандликка олишни бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас. Шундай қилиб, ота-оналарга боланинг таълим ва ғамхўрликка, унинг манфаатлари ва ҳимояси таъминланишига муҳтож бўлган даврда ота-она ҳуқуқи берилади.

Вояга етмаганларнинг манфаатларида васийлик ва ҳомийлик органлари иштирок этиши афзалроқдир, чунки мазкур органлар суд муҳокамасида боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қатнашади ва боланинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ота-оналарнинг вояга етмаганлар манфаатларида иштирок этишига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги даъвогарнинг даъво талабларига эътироз билдиради.

Муаллифнинг фикрига кўра, васийлик ва ҳомийлик органининг хулосаси нафақат мавжуд ҳолат, балки васийлик органининг масала моҳиятига кўра қандай ҳал қилиниши, яъни даъвони қондириш ёки уни қондиришни рад этиш ҳақидаги фикрини ҳам акс эттириши керак. Бироқ суд хулосани ишда белгиланган барча ҳолатлар билан биргаликда баҳолаб қарама-қарши хулосага келиши мумкин. Шу билан бирга, суд қароридида васийлик ва ҳомийлик органининг хулосалари билан келишмовчилигини батафсил асослашга мажбурдир.

Диссертацияда етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг нормаларини тиклаш тавсия этилади.

ХУЛОСА

Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролик судловида болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд иш юритувида бағишланган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий таклифлар

1. Энг ривожланган мамлакатларнинг амалиёти ва назариясини таҳлил қилиб шундай хулоса қилиш мумкинки, оила ҳуқуқи фанида фарзандликка олиш, биринчидан, юридик акт сифатида, иккинчидан, болаларни фарзандликка олувчи оиласида тарбиялаш шакли сифатида, учинчидан, ота-она қарамоғисиз қолган болаларни жойлаштириш шакли сифатида белгиланади.

2. Қонун чиқарувчи томонидан фарзандликка олишнинг мажбурий суд тартибини киритилиши фарзандликка олиш тушунчасининг процессуал нуқтаи назардан таърифлари мавжудлигини белгилади. Жумладан, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанида фарзандликка олиш қуйидагича белгиланади:

биринчидан, бола ҳуқуқларини амалга ошириш учун суд томонидан

қўлланиладиган чора сифатида;

иккинчидан, суд қарори асосида вужудга келган, қондош ота-оналар ва фарзандлар муносабатларига тенглаштирилган, фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинаётган боланинг ихтиёрий хоҳиш-иродасига (10 ёшдан) асосланган ҳуқуқий муносабат сифатида.

3. Алоҳида тартибда иш юритишнинг мақсади, ҳуқуқ нормаси ариза берувчида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор қилиниши билан боғлиқ бўлган у ёхуд бу ҳолатларни аниқлаш ва қайд этишдан иборат, деган хулосага келинган. Алоҳида тартибдаги иш юритишда суднинг вазифаси юридик фактлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш билан чекланади. Ушбу ёндашувларнинг таҳлили фарзандликка олиш тўғрисидаги «потенциал» даъво ишларини шартли равишда икки гуруҳга бўлишга имкон беради:

биринчи гуруҳ – фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси фарзандликка олишга розилик бермаган ҳолларда, ҳуқуқ тўғрисида низо пайдо бўлиши.

иккинчи гуруҳ – айнан бир болани фарзандликка олиш истагида бўлган бир неча шахс мавжудлигида, ҳуқуқ тўғрисида низо пайдо бўлиши.

4. Манфаат хусусиятидан келиб чиқиб, барча манфаатдор шахсларни икки гуруҳга ажратиш лозим: биринчи гуруҳга фарзандликка олишда шахсий манфаатга эга шахсларни киритиш керак: фарзандликка олувчилар, ўн ёшга тўлган фарзандликка олинаётган бола, боланинг ота-онаси (агар улар вояга етмаган бўлса, уларнинг қонуний вакиллари), фарзандликка олувчининг турмуш ўртоғи, башарти у фарзандликка олишда иштирок этмаётган бўлса, вояга етмаганнинг васийлари (ҳомийлари), асраб олган ота-оналар, шунингдек боланинг яқин қариндошлари. Иккинчи гуруҳга хизмат ёки мансаб мажбуриятлари туфайли хизмат ва давлат-ҳуқуқий манфаатдорликка эга бўлган шахслар кириши керак (васийлик ва ҳомийлик органлари, бола жойлашган муассаса раҳбари, прокурор).

II. Қонунчиликка оид таклифлар

1. Бола манфаатларининг аҳамиятини ҳисобга олиб биз Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 151-моддаси биринчи қисмига қуйидаги таҳрирдаги ўзгартириш киритишни мақсадга мувофиқ деб биламиз:

«Фарзандликка олиш, туғилиши ушбу Кодексда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган вояга етмаган болаларга нисбатан, фақатгина уларнинг жисмоний, ақлий, маънавий ва ахлоқий ривожланишини таъминлаш имкониятларини ҳисобга олиш манфаатларини кўзлаб рухсат этилади».

2. Ўзбекистон Республикасининг ФПК ва ОК атамаларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФПКга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб, 29-бобни **«Фарзандликка олиш тўғрисидаги аризалар бўйича иш юритиш»** деб қайта номлаш мақсадга мувофиқ.

3. Ўзбекистон Республикаси ФПКни қуйидаги таҳрирдаги 297¹-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

«297¹-модда. Болани фарзандликка олиш

Болани фарзандликка олиш (келгусида фарзандликка олиш деб

аталади) бу суд қарорига асосланган юридик ҳаракат бўлиб, унинг асосида фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинган бола ўртасида, ота-она ва бола ўртасидаги каби ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда бола учун ҳақиқий оилаларда мавжуд бўлган маиший, психологик, маънавий яқинликка мос келадиган шароитлар таъминланган тарбия шакли вужудга келади.»

4. Фарзандликка олишнинг суд тартиби аввалбошидан ҳуқуқ тўғрисидаги низо билан *боғлиқ бўлмаслиги керак*. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 302-моддасини қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

«Агар муҳокама давомида ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқмасдан қолдиради».

5. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 151-моддаси нормаларидан келиб чиқиб ҳамда вояга етмаган болаларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 300-моддаси биринчи қисмига қуйидаги мазмундаги хатбошини қўшиш таклиф этилади:

«оила аъзоларининг барча вояга етган аъзолари, шунингдек ўн тўрт ёшга тўлган ва фарзандликка олувчи билан доимий равишда бирга яшайдиган вояга етмаган фарзандлари (агар улар фарзандликка олувчида ёки фарзандликка олувчининг фарзандликка олишда иштирок этмаётган турмуш ўртоғида бўлса), фарзандликка олишга розилиги ёки ижобий муносабатини тасдиқловчи ҳужжатлар».

6. Фикримизча, Ўзбекистон ва Қозоғистонда васийлик ва ҳомийлик органларида фарзандликка олувчилар томонидан психологик кўрикдан ва болани оилада тарбиялаш учун қабул қилишга тайёргарлик кўриш махсус дастурдан ўтиш курслари яратилиши керак. Шунингдек Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 312-моддаси 1-қисми 5²-банди ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 300-моддаси 1-қисми 10-хатбошисига қуйидаги таҳрирда қўшимча киритиш таклиф этилади:

«Улар томонидан психологик кўрикдан ва болани оилада тарбиялаш учун қабул қилишга тайёргарлик кўриш махсус дастурдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат».

7. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 300-моддаси тўртинчи қисмини “тасдиқланган мажбурияти” сўзларидан кейин **«улар томонидан психологик кўрикдан ва болани оилада тарбиялаш учун қабул қилишга тайёргарлик кўриш махсус дастурдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат»** сўзлари билан тўлдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 29-бобида аризани юритувга қабул қилиш ва ишни кўзғатиш масаласи тартибга солинмаган, шу муносабат билан қуйидаги таҳрирдаги 300¹-модда билан тўлдириш таклиф қилинади:

«300¹-модда. Аризани юритувга қабул қилиш ва ишни кўзғатиш

Судья фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза судга келиб тушган кундан бошлаб беш кун ичида уни суд юритувига қабул қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Аризани юритувга қабул қилиш тўғрисида судья ажрим чиқаради, унинг асосида биринчи инстанция

судида фуқаролик иши қўзғатилади».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ–4296-сон «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 3-бандига биноан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 302-моддаси биринчи қисмидаги «васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари» сўзларидан сўнг **«етти ёшга тўлган бола»** деган қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ, чунки бола оилада унинг манфаатларига таъсир кўрсатувчи исталган масалани ҳал этишда ўз фикрини билдириши, шунингдек ҳар қандай суд ва маъмурий иш муҳокамасида қатнашиши мумкин. Худди шундай қоида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 155-моддасида ҳам мустаҳкамланиши лозим.

10. Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 300-моддаси биринчи қисми (Фарзандликка олиш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар)ни қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдириш керак:

«оиладаги барча вояга етган аъзолар, шунингдек ўн тўрт ёшга тўлган ва фарзандликка олувчи билан доимий равишда бирга яшайдиган вояга етмаган фарзандлар (агар улар фарзандликка олувчида ёки фарзандликка олувчининг фарзандликка олишда иштирок этмаётган турмуш ўртоғида бўлса), фарзандликка олишга розилиги ёки ижобий муносабатини тасдиқловчи ҳужжатлар».

11. Ўзбекистон Республикаси ОК 157-моддаси иккинчи қисмига ўзгартириш киритиш ва қуйидаги тахрирда баён этиш зарур ҳисобланади:

«агар эр-хотин оилавий муносабатларини тугатган, олти ойдан ортиқ бирга яшамаётган ва бошқа турмуш ўртоғининг яшаш жойи номаълум бўлса, фарзандликка олиш учун розилиги талаб этилмайди».

12. Фарзандликка олиш боланинг манфаатида амалга оширилишини эътироф этиб, ишни имкон қадар кам муддатда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 207-моддаси иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилиши лозим:

«Фарзандликка олиш, алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ишлар суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай биринчи инстанция суди томонидан кўрилиши керак».

13. Қозоғистон Республикасининг қонунчилик амалиётидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 170-моддасига қуйидаги тахрирдаги қўшимчалар киритишни таклиф қиламиз:

«Болани фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига боланинг ота-онаси, фарзандликка олувчи ота-оналар, фарзандликка олувчининг турмуш ўртоғи, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, шунингдек ўн тўрт ёшга тўлган фарзандликка олинган бола эгадир».

14. Ўзбекистон Республикаси ОКга фарзандликка олинган бола вояга

етганидан сўнг, фарзандликка олишни бекор қилиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги 169¹-моддани киритиш таклиф этилади. Шунингдек боланинг манфаатлари мақсадида ва Қозоғистон Республикаси қонунчилигини ҳисобга олган ҳолда, фарзандликка олишни бекор қилиш асосларини кенгайтириш ва уларни фарзандликка олинган болага нисбатан жисмоний ёки руҳий зўрлик; фарзандликка олинган боланинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилиш; фарзандликка олинган боланинг қонунчилик ва халқаро шартномаларда белгиланган ҳуқуқларининг бузилиши каби асослар билан тўлдириш лозим.

15. Фарзандликка олинган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 35-моддасига болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойи (турар жойи) бўйича судга берилиши, болани фарзандликка олишни бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза, фарзандликка олиш тўғрисида қарор қабул қилган судга берилиши ва мутлақ судловга тегишлилик ҳисобланиши тўғрисидаги қўшимча киритиш таклиф этилади.

16. Ўзбекистон ва Қозоғистонда «**Фарзандликка олиш тўғрисида**»ги алоҳида Қонун қабул қилиш таклиф этилади. Шунингдек болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «**Шахсда мавжуд бўлганида унинг томонидан болани фарзандликка олиши, васийликка (ҳомийликка) олиши, асраб олиши ёки патронат оилага қабул қилишига йўл қўйилмайдиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида**»ги қарорини қабул қилиш таклиф этилади.

III. Суд амалиёти бўйича таклифлар

1. Болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда низони ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги 21-сонли «Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорига қуйидаги мазмундаги қўшимчалар киритиш лозим:

«6¹. Агар судларга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисидаги низо фарзандликка олиш тўғрисидаги ишни алоҳида тартибда кўриб чиқиш вақтида аниқланса, суд аризани кўриб чиқмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқариб, унда ариза берувчига ва бошқа манфаатдор шахсларга уларнинг низони даъво тартибида ҳал қилиш ҳуқуқини тушунтиради».

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги 21-сонли «Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорини қуйидаги мазмундаги 10¹-банд билан тўлдириш лозим:

«10¹. Тушунтирилсинки, ариза берувчида вакилнинг мавжудлиги болани фарзандликка олмоқчи бўлган шахсни судга етиб келиш мажбуриятидан озод қилмайди. Бунда шунга эътибор бериш зарурки, қонун ишини кўриб чиқишда аризачи, васийлик ва ҳомийлик органи вакили, шунингдек прокурор шахсан иштирок этиши шартлигини кўзда тутаяди, ва суднинг ушбу қонун талабларини бажармаганлиги, ушбу қонун бузилиши фарзандликка олиш масаласини нотўғри ҳал этишни келтириб чиқарган

ёки келтириб чиқариши мумкин бўлса, қарорни бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин”.

3. Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябр), аъзо-давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳужжатларни легаллаштириш талаб қилинмаслигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги 21-сонли “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорга қуйидаги мазмундаги тегишли тушунтиришлар киритиш таклиф қилинади:

«16¹. Шу билан бирга, шуни ёдда тутиш керакки, Қозоғистон Республикаси учун 2001 йил 30 январда кучга кирган Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияда (келгусида Конвенция деб аталади).

Конвенциянинг 3 ва 5-моддалари талабларига мувофиқ, расмий ҳужжатларни Конвенцияга аъзо давлатларда дипломатик ёки консуллик легаллаштириш ўрнига ҳужжатдаги мансабдор шахсларнинг имзолари, муҳрлари ёки штамплари ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун ушбу ҳужжат тузилган давлатнинг ваколатли органи томонидан апостиль қўйилади. Суд Конвенциянинг 4-моддасида кўзда тутилган апостиль қўйиш тартибига риоя қилинганлигига эътибор қаратиши керак, хусусан: апостиль ҳужжатнинг ўзида ёки ҳужжат билан бирга бўлган алоҳида вараққа қўйилади, у кўрсатилган Конвенцияга илова қилинган намунага мос келиши керак.

Агар чет эл агентлиги томонидан қўйилган апостилга эга ҳужжат чекланган амал қилиш муддатига эга бўлиб, судга тақдим этилганда вақтидан ўтиб кетган бўлса, у ҳолда ушбу ҳужжатни номақбул далил сифатида тан олиш масаласини ҳал қилиш керак».

5. Босқичлар ва ҳуқуқий атамаларни тўғри тушунтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги 21-сонли «Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорга қуйидаги мазмундаги тегишли тушунтиришлар киритиш таклиф қилинади:

«11¹. Судлар шунга эътибор қаратишсинки, фарзандликка олиш ишлари бўйича судга қадар босқич остида васийлик ва ҳомийлик органлари ва фарзандликка олишга номзодлар томонидан судга мурожаат қилишдан олдин қилинадиган хатти-ҳаракатлар тушунилади. Демак, ушбу ҳаракатларнинг барчаси амалда фарзандликка олиш тўғрисидаги иш бўйича тайёргарликнинг судга қадар босқичи мазмунига киради, улар фақат қонун ости ҳужжатлар даражасида мустаҳкамланиб, қонун даражасида аниқ тартибга солинмаган. Шунинг учун ҳозирги вақтда суд иш юритувида қабул қилинган фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 122-моддаси 10-банди асосида кўрмасдан қолдириш мумкин эмас».

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Фуқаролик судларида фарзандликка олиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш, ушбу тоифадаги ишларни расмийлаштириш ва ҳисобини юритиш, уларни давлат сирини ташкил

этадиган ишларга ўхшаш тарзда архивда сақлаш бўйича йўриқномани тайёрлаш ва тасдиқлаш таклиф этилади.

**THE SCIENTIFIC COUNCIL UNDER THE SCIENTIFIC COUNCIL
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF
LAW**

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

ATALYKOVA GULJAZIRA SHURAKHANOVNA

**PROCEEDINGS IN THE CASES OF CHILD ADOPTION IN CIVIL
PROCEEDINGS OF UZBEKISTAN AND KAZAKHSTAN**

12.00.04 – Civil procedural law. Economic procedural law
Arbitration procedure and mediation

ABSTRACT
of doctoral (Doctor of Philosophy) dissertation on legal sciences

Tashkent – 2020

The theme of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) is registered by the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan with number № B2019.3.PhD/Yu306.

The doctoral dissertation is prepared at the Tashkent State University of Law.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Russian, Uzbek and English (summary)) on the website of website of Scientific council (www.tsul.uz) and Information educational portal «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor:	Khabibullayev Davlatjon Yulchiboyevich Doctor of Philosophy in Law, professor
Official opponents:	Egamberdiyev Eminjon Doctor of Science in Law, professor Khazratkulov Odilbek Tursunovich Doctor of Philosophy in Law, associate professor
The leading organization:	Lawyers Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan

The defense of the dissertation will be held on April, 3rd, 2020 at 14:00 at the session of the Scientific Council under the Scientific Council DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 at the Tashkent State University of Law. (Address: 100047, Sayilgokh street, 35, Tashkent city. Phone: (99871) 233-66-36; fax: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

The doctoral dissertation is available at the Information-Resource Center of Tashkent State University of Law (registered under No. 915), (Address: 100047, Tashkent city, A. Timur street, 13. Phone: (99871) 233-66-36).

Abstract of the dissertation submitted on March, 18th, 2020.
(Registry protocol № 20 from March, 18th, 2020).

I.R. Rustambekov

Chairman of Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, t.a. professor

A.U. Akhmedova

t.a. Scientific Secretary of Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law

N.F. Imomov

Chairman of Scientific Seminar under Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

The aim of the research is to provide a comprehensive analysis of the consideration of cases of adoption of a child, to develop evidence-based proposals and recommendations for improving legislation governing issues related to the consideration of cases of adoption, as well as to develop theoretical foundations for effective regulatory regulation of the procedural order of adoption of a child.

The object of the research are the relationships arising in the process of judicial adoption, semi-detached social relationships (family, administrative) problems that arise in the course of judicial adoption, as well as solutions to enhance the effectiveness of the procedural order of adoption with the children's best interests.

The scientific novelty of the research is as follows:

the need for effective consideration of the application of a non-resident of the Republic of Uzbekistan for adoption in mid-level courts is justified;

the necessity of fixing the obligation of legalization and apostille affixing on documents provided by non-resident adoptive parents of the Republic of Uzbekistan in the legal norm is proved;

the necessity of establishing a rule for the cancellation of adoption in the order of claim proceedings and taking into account family law is justified;

the necessity of imposing on institutions of public education the obligation to submit to the court an opinion on the validity of adoption and its compliance with the interests of the adopted person is justified);

the need to involve the parents (father or mother) of the adopted child in the court process for adoption is justified.

Implementation of research results. Based on the scientific results of research on the issues of proceedings in cases of adoption of a child in civil proceedings in Uzbekistan and Kazakhstan:

proposal that citizens of the Republic of Uzbekistan permanently residing outside the territory of the Republic of Uzbekistan, foreign citizens or stateless persons wishing to adopt a child who is a citizen of the Republic of Uzbekistan, submit an application for adoption to the court of the Republic of Karakalpakstan for civil cases, respectively, the regional or Tashkent city court for civil cases at the place of residence (location) of the adopted child is reflected in part two of article 298 of the Civil procedure code of the Republic of Uzbekistan (act № 06-14/2204 of the Committee on judicial-legal issues and anti-corruption of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2019). This proposal serves to increase the efficiency of consideration of cases of adoption by non-residents of the Republic of Uzbekistan;

the proposal that documents submitted by adoptive parents – foreign citizens or stateless persons-should be legalized or apostilled in accordance with the established procedure is reflected in part five of article 300 of the Civil procedure code of the Republic of Uzbekistan (act № 06-14/2204 of the Committee on judicial-legal issues and anti-corruption of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2019). This proposal serves to fix the rules of legalization and apostille affixing on documents of non-residents of the

Republic of Uzbekistan;

the suggestion that the consideration and resolution of cases on cancellation of adoption shall follow the procedure of action proceedings and on the grounds specified family law, reflected in article 304 of the Civil procedure code of the Republic of Uzbekistan (act № 06-14/2204 of the Committee on judicial-legal issues and anti-corruption of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2019). This proposal serves as a legal regulation of issues of cancellation of adoption);

the proposal that the court, when preparing a case for trial, should discuss the issue of involving the parents (father or mother) of an adopted child in the case, based on the interests of the child, is reflected in paragraph 5 of the resolution of the Plenum of the Supreme court of the Republic of Uzbekistan № 21 of December 11, 2013 «On the practice of applying legislation by courts in cases of adoption» (act of the Supreme court of the Republic of Uzbekistan № PL-68-19 dated November 28, 2019). This proposal serves to take into account the opinion of the father or mother of the adopted child when resolving the case of adoption;

the suggestion that when adopting a child, the court has the right to involve the child itself in the case is reflected in paragraph 6 of the resolution of the Plenum of the Supreme court of the Republic of Uzbekistan № 21 of December 11, 2013 «On the practice of applying legislation by courts in cases of adoption» (act of the Supreme court of the Republic of Uzbekistan № PL-68-19 dated November 28, 2019). This proposal serves to take into account the interests of the adopted child when resolving the case of adoption.

The structure and volume of the dissertation. The dissertation consists of introduction, three chapters, conclusion, list of references and applications. The total volume of dissertation is 144 pages.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Аталыкова Г.Ш. Процессуальные особенности усыновления в Узбекистане и Казахстане. Монография. Т: ТГЮУ. – 152 с.
2. Atalykova G.Sh. Consideration of civil cases of child adoption in the legislation of the Republic of Uzbekistan: theory and practice // Вестник юридических наук // 2019, № 1. – Р. 27–31. (12.00.00 №20).
3. Аталыкова Г.Ш. Особенности рассмотрения дел об установлении усыновления (удочерения) детей в Узбекистане // Одил судлов – Правосудие // 2019, № 4. – С. 91–96. (12.00.00 №3).
4. Atalykova G.Sh. Legal problems of examination of a claim on the cancel of adoption in Uzbekistan // Religacion // 2019, Junio № 16, VOL 4. – Р. 697–703. (Web of Science)
5. Atalykova G.Sh. The concept and significance of the institution of adoption of a child // International conference of Industrial Technologies and Engineering // International Conference proceedings // Shymkent, Kazakhstan, 2019 – Р. 159–163.
6. Аталыкова Г.Ш. Правовые проблемы рассмотрения дел об установлении усыновления в Республике Узбекистан: Теория и практика // Перспективы развития науки в современном мире // Сборник статей по материалам XV Международной научно-практической конференции. Уфа, Российская Федерация, 2019. – С. 171–181.
7. Аталыкова Г.Ш. Особенности досудебный этапа и возбуждение дел об усыновления ребенка. «XXI асрда илм-фан тараққиётининг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг тутган ўрни» мавзусидаги Республика-илмий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2019 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2019. – С. 40–43.
8. Аталыкова Г.Ш. Порядок подготовки к судебному разбирательству дел об усыновлении ребенка. «XXI асрда илм-фан тараққиётининг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг тутган ўрни» мавзусидаги Республика-илмий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 декабрь 2019 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2019. – С. 11–14.

II бўлим (II часть; II part)

9. Аталыкова Г.Ш. Правовые вопросы подсудности дел об усыновлении и процессуальные особенности оформления заявления // Хуқуқий тадқиқотлар журнали // Журнал правовых исследований // Journal of Law Research, 2018, № 12. – С. 101–112 (12.00.00 № 19).
10. Аталыкова Г.Ш. Судебное разбирательство и решение суда по делам об усыновлении (удочерении) ребенка. Интеллектуал мулк хуқуқининг долзарб муаммолари / хорижий экспертлар иштирокида (видеоконференция шаклида) Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. -

Т: ТДЮУ, 2020. – С. 322–329.

Автореферат «Юридик фанлар ахборотномаси» журнали тахририятида тахрирдан ўтказилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Босишга рухсат этилди: 04.03.2020.
Бичими: 60x84 1/8. «Times New Roman»
гарнитурда рақамли босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 3. Адади:100.
Буюртма: № 14
100060, Тошкент, Я. Ғуломов кўчаси, 74.

«TOP IMAGE MEDIA»
босмаҳонасида чоп этилди.